

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
САНЪАТ КАФЕДРАСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: Муסיқа дарсларида ўқувчиларга
индивидуал ёндашувни амалга ошириш
имкониятлари.**

**Бажарди: 5141000- Муסיқий таълим
йўналиши битирувчиси Ҳакимова Моҳигул**

Илмий раҳбар: доцент А.Р.Баҳриев

Бухоро – 2012

РЕЖА:

Кириш.

1-БОБ. МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ҲАМДА БАДИИЙ - ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

§ 1.1. Ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик-психологик негизлари.

§ 1.2. Дарсда мусиқий фаолиятларни амалга оширишнинг педагогик имкониятлари.

2-БОБ. МУСИҚА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

§ 2.1. Бошланғич ва ўрта синфларда мусиқа машғулотларини ташкил этиш.

§ 2.2. Дарсда индивидуал ёндашувни амалга ошириш усуллари.

ХУЛОСА.

ТАВСИЯЛАР.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Кириш.

Кейинги пайтларда мусиқа маданияти жамиятимизнинг маънавий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай сатрлар бор: - “Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болалиқдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, дойра ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди. Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”¹.

Мусиқанинг, айниқса миллий мусиқамизнинг бадиий ва тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланиш, ўсиб келаётган ёш авлод, айниқса, бўлажак мусиқа тингловчиларини муסיқий билимлардан баҳраманд этиш орқали тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга бўлган вазифа ҳисобланади.

Мактаб мусиқа таълими кўп қиррали педагогик жараён бўлиб, ўқувчиларни миллий кадриятларга хурмат, муסיқий ривожлантириш орқали нафосат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Айниқса, мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган давлат умуммиллий дастури соҳа

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б.141.

ходимлари олдига янада юксак вазифаларни қўймоқда. Жумладан, бошланғич синф таълими умумий ўрта таълимнинг муҳим қисми ҳисобланади ва унда ўқитиладиган муסיқа дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашиб нафосат тарбияси бериш, миллий маданиятимиз, кадриятларимиз, анъаналаримизни қўшиқ ва куйлар воситасида улар қалбига сингдиришдан иборат.

Муסיқа санъатининг ёш авлодга кучли таъсир кўрсатиши фақат уни фаол ҳамда чуқур идрок этишни эмас, балки ўқувчиларнинг шу санъат бўйича мустақил билиш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Мактаб ҳаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўқиш, фанлар асосларини пухта ўзлаштириш бўлиб қолади. Болада муסיқий ижро ёки тинглаш орқали ҳиссий кечинма, ҳатто мукамал ҳолатда бўлсада, қисман ҳолда вужудга келмайди. У яхлит куйнинг бевосита таъсири натижаси сифатида ҳамда тингланган асарларга биринчи жавоб сифатида пайдо бўлади. Таълимнинг биринчи йилидан болага индивидуал ёндашиб овоз устида ишлашни ўргатиб бориш керак, бунда у ҳар бир талаффуз қилинган муסיқий матннинг бўғинларини билиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган муסיқий элементларнинг онгли, ихтиёрий ва завқ билан амалга оширилиши учун қизиқиш ва эҳтиёжлар муҳим аҳамиятга эга. Улар эса ҳар бир ўқувчида индивидуал, ўзига хосдир.

Қизиқиш – боланинг объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни билиш, англаш истаги билан боғлиқ бўлган муносабатидир. Худди эҳтиёжлар каби қизиқишлар ҳам давомли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Шу боис, мактаб ўқувчиларида мусиқий фаолиятларга нисбатан қизиқишларни мунтазам, узлуксиз, айниқса, индивидуал тарзда шакллантириб боришга ҳаракат қилиш зарур.

Бошланғич синфларда машғулотлар, яъни - қўшиқ куйлаш, мусиқа саводи бўйича мавзу материални ўрганиш, мусиқий ритмик ҳаракатларни амалга ошириш, ижодкорлик фаолиятлари фақатгина ўйин тарзида олиб борилади. Бундай иш усулини ташкил этиш мусиқа ўқитувчисидан катта педагогик маҳорат, касбий билимлар, педагогик қобилиятларини талаб этади.

Чунки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ҳали уларга топшириладиган барча вазифаларни ўйин сифатида қабул қиладилар. Шунинг учун айнан ўйин шаклида улар билан мусиқий машғулотларни ташкил этиш, бадиий-мусиқий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта синфларда эса болаларнинг интеллектуал имкониятлари ўсади, билишга бўлган қизиқишлари аниқлашиб боради. Бу пайтда уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, индивидуал ёндашув орқали мусиқа машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир дарсни режалаштиришда унинг тузилишини шундай ташкил қилиш керакки, ҳар доим реал шароитларга мос келиши

ҳамда ўқитувчининг ижодий ёндашуви бўлиши зарур. Бу эса ҳар бир дарсни ўзига хос ва бетакрор шаклда ташкил этишга имкониятлар яратади.

Албатта, бир дарсдан сўнг бир ҳафта ўтади, бу вақт оралиғида турли дарслар бўлади ҳамда мусиқага алоқаси бўлмаган кўпгина таассуротларга эга бўлинади. Шунга қарамасдан, ҳар бир дарс шундай ташкил этилиши керакки, унинг таассуротлари келаси дарсгача болалар хотирасида жонланиб турсин.

Дарс ҳамиша олдиндан пухта ўйланган иш услуби бўйича олиб борилади, лекин у ўқитувчи ва ўқувчи биргаликда бажарадиган ижодий жараён бўлганлиги учун унинг ҳамма деталларини охиригача олдиндан ўйлаш мумкин эмас. Баъзи қутилмаган ҳолатларни олдиндан билиш қийин, бунинг натижасида дарс тузилишини йўл-йўлакай ўзгартиришга тўғри келиши мумкин.

Бундан ташқари, замонавий дарснинг сифати маълум даражада ўқувчилар фаоллиги билан аниқланади. Ўқувчилар фаоллиги муаммоси фақатгина қизиқишларни таъминлайдиган дарс шакли ва маълум методларни қўллаш билан ҳал бўлмайди. Кўп нарса ўқитувчининг ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашувига ҳам боғлиқ, бу эса ўқитувчи олдида турган энг мураккаб вазифалардан биридир.

Шу мақсадда ўқитувчи ўз ўқувчиларининг характер хусусиятлари ва қизиқишлари йўналишларини билиши зарур. Бундан ташқари, мусиқа ўқитиш услубиёти, педагогика ва ёш

даврлари психологияси доирасидаги билимларга эга бўлиши талаб этилади.

Ҳозирги кунда муסיқа дарсини махсус техника воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Муסיқа дарси ўтадиган синф-кабинетни талаб даражасида жиҳозлаш ўқувчиларда ижодий муҳитни, зарур муסיқий – ҳиссий кайфиятни ҳозирлайди. Дарсда турли чолғу асбоблари, техник ва кўргазма воситалар зарур. Улар орқали ўқувчилар турли таркибдаги оркестрлар, ансамбллар, вокал-хор асарлари, муаллифлари ва асарларнинг турли вариантлардаги ижролари билан танишадилар. Уларнинг сифати, ўз вақтида тайёр бўлиши ва қўлланиши кўп ҳолларда муסיқа дарсининг муваффақиятини таъминлайди.

Биз ҳозирги кунда ўз касбий билимларимизни - амалиёт ва назарияни қўшиб олиб бориш орқали ошираяпмиз. Чунки, педагогик амалиёт даври биз учун ўз билим ва педагогик маҳоратимизни синаб кўрадиган чинакам синов даври бўлди.

Умуман олганда, бугунги кунда муסיқа дарслари ўзига хос бадий-эстетик хусусиятлари билан муסיқа ўқитувчиларига муҳим масъулият юклайди. Чунки, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларида илк мактаб ёшидан бошлаб бадий - эстетик тарбия беришда барча педагогик иш усулларидан фойдаланиш, жумладан, уларга индивидуал ёндашиш талаб этилади.

1-БОБ. МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ҲАМДА БАДИИЙ - ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

§ 1.1. Ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик- психологик негизлари

Мустақиллик йилларида миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, амалий ва бадиий санъат турларининг қайта тикланиши мусиқа таълимида халқ мусиқасига кенг мурожаат қилиш, касбий ҳамда фольклор мусиқаси намуналари билан ўқувчиларни таништириш, уларни куйлаш ва тинглашга ўргатишнинг илғор усуллари амалиётда қўллаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди.

Айниқса, «Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган давлат умуммиллий дастури» ҳамда “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги Президент И.Каримов томонидан имзоланган Қарор талаблари асосида мусиқа таълимини ташкил этиш бўйича мамлакатимизда маълум тадбирлар амалга оширилмоқда.

Миллий қадриятлар халқ мусиқасида кенг акс этгани боис кучли тарбиявий таъсир воситаларидан бири бўлиб, ёшларда мусиқий билимларнинг шаклланиши мазкур мусиқага нисбатан шаклланган муносабатлар меъёри билан белгиланади.

Шу боис, бугунги кунда ўқувчиларнинг мусиқага бўлган муносабатларини таҳлил қилишга муайян эҳтиёж сезилмоқда. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган маданий меросимизга ҳозирги даврда ёшлар эътиборининг пасайганлигини тарихий ворисликка етарли аҳамият берилмаётгани натижаси сифатида эътироф этиш жоиз.

Тарихий ворислик тамойилларига амал қилган ҳолда миллий мусиқа меросимиз ва чолғу созларимиз уларда мусиқа тинглаш мотивлари сифатида муҳим аҳамият касб этиши, асарларда акс эттирилган миллий маданиятимиз ва кадриятларимизнинг тарбиявий салоҳиятини чуқур англаш ҳодисаси муайян билимлар шаклланишининг меъёрига боғлиқдир.

Айниқса, миллий характер, миллий ўзини-ўзи англаш, миллий ғурурни ёш авлод онгида қарор топтириш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунига айлантиришда мусиқанинг имкониятлари катта. Мусиқа юзасидан ижобий муносабати шаклланган ўқувчи тингланган асар ҳақида ўзининг билим ва тасаввурларини кенг баён қилиши ва унда маълум баҳолаш мезонлари вужудга келиши мумкин.

Айниқса касбий ҳамда фольклор мусиқаси намуналари билан ўқувчиларни таништириш, уларни куйлаш ва тинглашга ўргатишнинг илғор усулларини ўқитиш амалиётига қўллаш бўйича маълум ютуқларга эришилди.

Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган маданий меросимизга ҳозирги кунда ёшлар эътиборининг нисбатан

пасайганлигини интеграция жараёнлари, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг ижтимоий ҳаётимизга жадал кириб келаётганлиги натижаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Бироқ, миллий мусиқа меросимиз ва чолғу созларимизга нисбатан ўқувчи-ёшларда индивидуал ёндашган ҳолда қизиқишни тарбиялаш, асарларда акс эттирилган ижтимоий воқеликнинг тарбиявий салоҳиятини чуқур англашга ўргатиш давр талабидир. Тингланган мусиқа юзасидан ижобий муносабати шаклланган ўқувчилар асар ҳақида кенг билимларга эга бўлиши мумкин, чунки ижобий муносабат фаол идрок қилиш мотивлари сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари бир биридан кескин фарқ қилганлиги боис, уларнинг маълум мусиқа асарларига нисбатан қизиқишни намоён этиши ҳам турличадир. Бу эса ўқувчилар билан мусиқа машғулотларини ташкил этишда индивидуал ёндашувни талаб этади.

Индивидуал ёндашув деганда, ҳар бир ўқувчининг интеллектуал салоҳияти, қизиқишлари, мусиқий қобилиятлари мажмуаси, мусиқий имкониятлари даражасидан келиб чиққан ҳолда мазкур ўқувчи билан педагогик-психологик ишни ташкил этишдир. Мусиқий таълимни ташкил этганда ўқувчилар билан айнан уларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда машғулотларни олиб бориш таълим самарадорлигини таъминлайди.

Муסיқий фаолиятлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар шулардан иборатки, бирон - бир фаолиятга кишини мажбур қилганда, масалан, юк ташиш, мошинани суриш, юк кўтариш, ер ағдариш ёки бошқа фаолиятлар бўлсин, кишини мажбур қилиб бу ишларни бажартириш мумкин.

Бироқ, кўшиқ куйлаш, куй чалиш, расм чизиш, шеър ўқишга кишини мажбур қилиб, бажартиришнинг иложи йўқ. Бўлганда ҳам, бу бажарилган ишнинг сифати талаб даражасида бўлмайди.

Бугунги кунда муסיқа асарларининг эстетик ва тарбиявий имкониятлари, ўзига хос миллий қадриятлар, анъаналар хусусиятларини ифодалаш борасидаги ўқувчилар билимларининг саёзлиги бизнингча, қуйидаги ҳолатларда кўринади:

- ўқувчиларнинг ўзбек халқ муסיқа асарларини тинглаш эҳтиёжи, уларга нисбатан қизиқишининг беқарорлигида;

- ўзбек миллий чолғу созлари ижросидаги асарлар ўқувчиларда тинглаш фаолияти мотивлари сифатида муҳим аҳамият касб этмаётганлигида;

- уларда муסיқанинг оммавий жанрларига мансуб асарларда ифодаланган бадий ғоя ва мазмун-моҳият тўғрисидаги билимлар паст даражада эканлигида.

Ушбу муаммоларнинг сабаблари бизнингча, қуйидагилардир:

- ўқувчиларга индивидуал ёндашиб уларда муסיқий қизиқиш, қобилият, лаёқат ва эҳтиёжларни ўрганиш, зарур ҳолларда коррекциялашга етарли эътибор қаратилмаслиги;

– миллий маданиятимиз, қадриятларимиз намунаси сифатида ижобий хусусиятларга эга бўлганига қарамасдан халқ муסיқасининг оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали тарғиботи талаб даражасида эмаслиги;

– миллий чолғу созларини изчил қўллашга етарлича аҳамият берилмаётганлиги;

– интеграция жараёнлари таъсирида чет эл муסיқасининг кириб келиши ва таъсир доирасининг кенгайиши, янги муסיқий йўналиш, услублар пайдо бўлаётганлиги;

– таълим жараёнида халқ муסיқасига нисбатан ижобий муносабат ва муסיқа тинглаш фаолиятига талаб даражасида эътибор қилинмаётганлиги;

– халқ муסיқасида ифодаланган бадиий-эстетик мазмун юзасидан билимларни шакллантиришга кўмаклашувчи бошқа санъатлар турларидан фойдаланишда сусткашликнинг мавжудлиги;

– мактаб, оила ва маҳалла томонидан ўтказиладиган турли оммавий-маданий тадбирларда ушбу асарлардан фойдаланиш савиясига эътиборнинг пастлиги кабилардир.

Бугунги кунда ўқувчи-ёшлар муסיқа асарларининг бадиий, ижтимоий-эстетик ва тарбиявий имкониятларини тўлақонли англаши учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

– ўқувчиларда ўзбек халқ муסיқа асарларини тинглаш эҳтиёжи, уларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш;

– ўзбек миллий чолғу созлари ижросидаги асарлар ўқувчиларда тинглаш фаолияти мотивлари сифатида муҳим аҳамият касб этиши;

– уларда халқ мусиқасининг оммавий жанрларига мансуб асарларда ифодаланган бадиий ғоя ва мазмун-моҳият тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш;

– бундан ташқари миллий маданиятимиз, қадриятларимиз намунаси сифатида халқ мусиқасининг оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали тарғиботини кучайтириш;

– дарсда миллий чолғу созларини изчил қўллаш ва тарғиб этиш;

– интеграция жараёнлари таъсирида чет эл мусиқасининг кириб келиши ва эмоционал-психологик таъсир доирасининг кенгайиши, янги муסיқий йўналиш, услублар пайдо бўлаётганлигини табиий қабул қилиб, ундан мақбул хулосалар чиқариш ва дарс фаолиятида ушбу ҳолатлардан келиб чиқиш;

– таълим жараёнида халқ мусиқасига ва уни тинглаш фаолиятига ижобий муносабатни қарор топтириш;

– халқ мусиқасида ифодаланган ижтимоий-эстетик мазмун-моҳият юзасидан билим, кўникма, малака ва тасаввурларни шакллантиришга кўмаклашувчи бошқа санъатлар турларидан изчил фойдаланиш;

– шароит тақозоси билан ўқувчиларнинг муסיқий қизиқиши, қобилияти, лаёқати ва эҳтиёжларини ташхис қилиш;

– мактаб, оила ва маҳалла жамоаларида ўтказиладиган турли оммавий-маданий тадбирларда ушбу асарлардан фойдаланиш савиясига эътиборни кучайтириш кабилардир.

Юқорида келтирилган барча тарбиявий ва таълимий иш усуллари ўсиб келаётган ёшларнинг муסיқий билимларини ошириш, уларнинг муסיқий меросимизга нисбатан қизиқишини оширишдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун педагоглардан нафақат касбий ва педагогик билимлар, балки, сабр тоқат, педагогик такт, синф жамоасини бошқара олиш, ўқувчиларнинг фикрлари ва саволларини тинглай билиш, уларнинг индивидуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндашиш, муסיқий қобилиятлари, ақлий имкониятлари ва қизиқишини назарда тутган ҳолда педагогик ишни ташкил этиш талаб қилинади.

Замонавий педагогика болаларни ўқитишни асосан уларнинг индивидуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш зарурлигини, болалар гуруҳ тарзида ўқитилишини ҳисобга олсак, ушбу турли гуруҳларда ақлий имкониятлари турлича бўлган болалар мавжудлигини кўрамиз. Шу боисдан, педагогик ишни ташкил қилишда болаларнинг ўзига хос дунёси, ақлий имкониятлари, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини ташкил этишни мақбул кўради.

Таълим жараёнини оқилона ташкил этиш - қулай ва оптимал методикаларни ўқитиш тизимига жорий этиш орқали таъминланиши мумкин. Зеро, ўқитиш жараёнида методика муҳим

ўринга эга, чунки унингсиз нафақат таълим жараёни, балки унинг ижобий самарасини ҳам тасаввур қилиш қийин.

Методикани агар биз кенг миқёсда кўриб чиқадиган бўлсак, унинг кўпқирралилиги, индивидуаллиги ва кенг имкониятларга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Айнан методиканинг бу хоссаси педагогик фаолиятнинг ҳар бир соҳасида у марказий ўринни эгаллашини кўрсатиб туради. Санъат педагогикасида, хусусан мусиқа педагогикасида бу муаммо биринчи ўринда туради. Методика таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминловчи асосий ва бош омил бўлганлиги учун унинг асосий функциялари борасида тўхталамиз.

1. Ташкилий функцияси. Методика предметнинг мазмунини очиб бериш орқали уни режалаштиришнинг барча бўғинларида, мусиқа асарини идрок этиш жараёнини ташкил этади.

2. Информацион функцияси. Ўрганиладиган предметнинг мазмунини ифодалаб, методика уни кенг очиб беради ва шу орқали билим, малака ҳамда кўникмаларнинг ўқитувчидан ўқувчиларга ўтишини таъминлайди.

3. Интеграцион функцияси. Методика мусиқа дарсининг яхлитлигини таъминловчи усул ва воситаларни, ўқувчиларнинг ақлий ва ҳиссий фаолиятини яхлитликда бошқаришни, мусиқа дарсининг мактабдаги бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини амалга оширади.

4. Назорат қилувчи функцияси. Ўқув предметини ўзлаштириш даражасини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш методиканинг

махсус бўлими бўлиб, у орқали ўқув-тарбия жараёнининг маҳсулдорлиги, ўқувчиларнинг мусиқа маданияти ривожланиши назорат қилинади.

Мусиқа таълими тузилмасида методиканинг ўрни ва функциялари шундан далолат берадики, ўқувчиларга индивидуал ёндашилмасдан, ҳар қандай педагогик муаммо ўз ечимини топиши амри маҳол.

Методика учун муҳим бўлган муаммолар қуйидагилардан иборат:

➤ Яхлитлик муаммоси. Унинг моҳияти шундан иборатки, методиканинг ҳеч бир функцияси алоҳида, локал, ўз-ўзича амалга ошмайди. Бу эса методикани муаммолар тузилмаси тарзида, мусиқа ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ ягона асос сифатида кўришни талаб этади. Натижада ҳар қандай, ҳатто энг паст даражадаги методик муаммо ҳам алоҳида эмас, фақат ушбу предметни ўқитиш билан боғлиқ муаммолар мажмуаси сифатида ўрганилади.

Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, методикада муаммоларни муҳим ва муҳим бўлмаганга ажратиш мумкин эмас.

Бошқа томондан, ҳар қандай тузилмада ички алоқалар бўлиши лозим ва улар тузилма элементларининг ўзаро алоқасини ташкиллаштиради ҳамда унинг характерини очиқ беради. Фақатгина шу ҳолда тузилма ички иерархияга эга бўлади ва хусусий тузилмага айланади. Методикани бундай тушуниш бутун ўқув-тарбия жараёнининг яхлитлигига эришишга олиб келади.

➤ Ахборот узатиш муаммоси. Бу жараён билан боғлиқ барча

маълум шакл ва методларни предмет мазмунини очишга хизмат қилувчи икки йўл, четки «қутблар» орасига жойлаштириш мумкин. Уларнинг бири оддий баён қилиш, фактлар йиғиндисини узатиш, ҳодисаларни изоҳлаш ва бошқалар; иккинчиси эса ўрганиладиган предметнинг факт ва ҳодисалари орасидаги чуқур алоқаларни назарий таҳлил қилишдан иборат. Замонавий педагогика ва психология фани таъкидлашича, предмет мазмунини очишда танланган йўл қанчалик иккинчи қутбга яқин бўлса, шунчалик ўқитиш *ривожлантирувчи* характер касб этади.

Оддий баён этиш жараёнида таҳлил иштирок этмайди, бунинг натижасида барча ўқув-тарбия жараёни, агар у ўқувчилар томонидан олиб қаралса, индивидуал ёндашган ҳолда ушбу предмет доирасига кирувчи маълумотлар қаторини ёдлашни эслатади. Билишнинг иккинчи томонида ўрганиладиган предметдаги ҳодиса ва фактлараро чуқур алоқаларни назарий таҳлил қилиш туради.

Назарий билим маълум факт ёки фактлар йиғиндисини аниқлаштиришдан иборат бўлиб ҳисобланади. Назарий таҳлилга махсус фактлар, уларни тўплаш, таснифлаш ва бошқалар кирмайди. Унинг мақсади ушбу фактлар, ҳодисалар ва улар орасидаги ўзаро алоқалар нима учун шундайлигини аниқлашдан иборат. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти бу ерда шундай даражада кечадикки, тафаккурнинг умумий қонунлари охир-оқибатда табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари билан, билиш назарияси эса уларнинг ривожланиш назарияси билан мослашади.

Ушбу келтирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин: ўқитувчи-муסיқачининг биринчи галдаги вазифаси – *ўқувчиларнинг продуктив фаолиятини* уларга индивидуал ёндашган ҳолда таъминлашдир. Продуктив фаолият деганда, дарс материални ижодий ўзлаштириш, тингланган асарларда ўзи учун нимадир янги ғоя ва фикрлар топиш тушунилади. Бунинг учун ўқитувчи муסיқани, унинг ўқитиш методикасини маълум хулосалар тузилмаси сифатида билиши ва тушуниши зарур.

Натижада биринчидан, материални яхлит ўрганиш ва ҳар бир дарсда «умумийдан хусусийни ажратиш»га имкон яратилади.

Иккинчидан, предмет мазмунини шундай конкретлаштириш, аниқлаштириш керакки, янги материални фақатгина эслаб қолиш ва мустаҳкамлаш эмас, балки ўқувчилар онгида билимларни “жонлантириш” зарур.

Учинчидан, ўқитувчига ўқув материални тасвирлаш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини экспресс-диагностика қилиш, йўл - йўлакай ўрганиш ва ўқув тарбия жараёнини мунтазам такомиллаштириб бориш имконини берувчи саволлардан изчил фойдаланиш тақозо этилади.

Умумтаълим мактабида муסיқа фанини ўқитиш амалиётининг методикаси нисбати баҳс предметининг асосий муаммоси бўлиб ҳисобланади. Бу муаммо қуйидаги савол, яъни методикалар, уларнинг ўхшашлиги ва фарқи нимада, деган савол келиб чиққанда, албатта ҳар бир метод аниқ педагогик вазифани кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилишини кўз олдимизга келтиришимиз зарур. Шунинг

учун ҳам оммавий мусиқа педагогикасида шаклланган асосий тушунчалар ҳақидаги тасаввурларни ўзига хос таҳлил қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Жумладан, мусиқа педагогикаси асосан ижодий фаолият тарзидаги кўшиқ куйлаш ва берилган мусиқа асарларини таҳлилий тинглашдан иборат бўлади. Айниқса, тингланган турли жанр ва йўналишдаги асарларни таҳлил этиш, уларнинг бадиий мазмуни, моҳияти, оҳанг хусусиятлари, товуш тембрининг ўзига хослиги, мусиқанинг тасвирий ва ифодавий имкониятларини англаш, улар борасида маълум билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун ўқувчилардан алоҳида бадиий тафаккур, эстетик мушоҳада, ривожланган мусиқий қобилиятлар мажмуаси ва қизиқиш талаб этилади.

Ушбу хусусиятлар мусиқа дарсининг мактабдаги бошқа фанлардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигини яна бир бор кўрсатади. Шу ўринда ўқувчиларга мусиқий билимларни сингдиришда индивидуал ёндашувнинг нақадар зарурлигини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, мусиқа дарсида жамоавий фаолиятлар: биргаликда куйлаш ва мусиқа тинглаш амалга оширилади. Биргаликда куйлаш мураккаб интеллектуал жараён бўлиб, ўқувчилардан диққатни концентрациялаш, тўплашни, ҳам куйлаш, ҳам бошқалар ижросини тинглаб, назорат қилиб боришни талаб этади. Бу икки вазифани биргаликда олиб бориш ўқувчилардан катта меҳнат ва диққатни сафарбар қилишни тақозо қилади.

Муסיқа тинглаш, айниқса, жамоавий муסיқа тинглашнинг муҳим ижобий томонлари бор. Якка ҳолда, масалан, уйда ёки гўшак (наушник) орқали муסיқа тинглашдан кўра, синф хонасида, жамоавий тарзда муסיқа тинглашнинг муҳим ижтимоий таъсир кучи мавжуд бўлиб, бу – мусиқанинг катта эмоционал, ҳиссий кудрати орқали намоён бўлади. Муסיқа тинглаш орқали пайдо бўладиган кайфият ва ҳиссий ҳолат “юқувчанлик” хусусиятига эга бўлиб, тингловчиларнинг юз ифодасида, эмоцияларида тингланган мусиқадан пайдо бўладиган ҳолатлар бошқа тингловчиларга ҳам дарҳол ўтади. Шу боисдан ҳам жамоавий тарзда мусиқий фаолият билан шуғулланиш, дарс машғулотларини ташкил этиш катта педагогик ижобий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда мусиқанинг кайфият, ҳиссий ҳолат ва кечинмалар орқали идрок этилишини назарда тутадиган бўлсак, мусиқий фаолиятнинг нақадар мураккаб, айнан эмоционал (ҳиссий) тарзда идрок этилиши ҳақиқатдир. Бу мусиқий фаолиятларнинг ўзига хослиги, инсон ички оламига қаратилганлиги, кайфият ва ҳиссий ҳолатга таъсир этиши ҳамда уларни маълум даражада йўналтириши билан ажралиб туради.

Ушбу жиҳатлар нақадар индивидуал хусусиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мусиқий фаолиятлар бўйича билимларни ўқувчиларга сингдиришда уларга индивидуал ёндашувнинг нақадар зарурлигини англаш қийин эмас.

Мактаб ўқувчилари ўзларининг ёш хусусиятлари орқали маълум фарқларни намоён этишади ва улар билан таълим

жараёнини амалга оширишда ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этиш зарур. Жумладан, мусиқа дарслари ўтиладиган синфлар бу, (1 – 4) бошланғич синфлар ва (5-7) ўрта синфлар бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синфлар ўқувчилари ўзларининг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кичик мактаб ёшига, ўрта синф ўқувчилари эса ўсмир ёшига тўғри келади.

Барча таълимий вазифаларни ўқувчилар билан амалга оширишда индивидуал ёндашиб, уларнинг ушбу ёш хусусиятларини назарда тутган ҳолда, билим доираси, ақлий имкониятлари, хотираси ва диққатининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда уларга фан асосларини сингдириш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир ўқитувчи болалар билан мусиқий фаолиятларни амалга оширишга киришар экан, болалар руҳиятини, уларнинг ички дунёси, қизиқишлари ва оламга нисбатан муносабатини доимо кўз олдига келтириб педагогик ишни ташкил этиши зарур. Шундагина болаларнинг қизиқарли, ўзига хос ички дунёси, фантазияга бой ҳаёлотли, мусиқа оламига бўлган ўзига хос қарабини тушуниш мумкин ва бу болалар билан ишлашга ёрдам беради.

Мисол тариқасида учинчи синфнинг биринчи чорагида ўрганиладиган П.Мўмин шеъри, Н.Норхўжаев мусиқаси билан “Олтин пахтамо оппоғим” кўшиғини ўрганиш жараёнини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, ушбу кўшиқ қувноқ оҳангларда, чаққон, жозибали ижро этишни талаб қилади. Болаларнинг турли

музыка асарларини идрок этиши, яъни, тўлиқ ҳис қилиши турлича. Шунинг учун мазкур қўшиқдаги нуқтали ноталар, чаққон ва бир оз чўзиб ижро этиладиган қисмлар ҳар бир ўқувчининг ушбу асарни онгли идрок этишига қараб турлича даражада ижро этади.

Баъзи ўқувчиларнинг музикаий қобилиятлари, музикаий эштиш, хотира ва суръатни ҳис қилиш имкониятлари юқори бўлади. Бундай ўқувчилар билан ушбу қўшиқни ўрганишда асосан унинг умумий тузилиши ва ритм хусусиятлари борасида тасаввур берилса бўлди, улар дарҳол музикаий оҳанг хусусиятларини, асарнинг умумий тузилиши, бадиий мақсади, ижро усулини англаб олади ва маромига етказган ҳолда ижро этиши мумкин.

Баъзи ўқувчиларнинг музикаий қобилиятлари нисбатан паст даражада ривожланган, уларнинг музикаий эшитиши, хотираси ва ритмни ҳис қилиши анча суст намоён бўлади. Бундай имконият эгалари бўлган болалар билан мазкур асарни ўрганиш анча мураккаб кечади. Чунки, у билан ўрганганда амалга оширилган ишни билан биринчи эслатиб ўтилган ўқувчи билан амалга оширилган иш орасида катта фарқ намоён бўлади. Биринчи ҳолда бола айтиб ўтилган барча таълимий ва бадиий вазифаларни бекаму кўст, қисқа вақтда, тўлиқ ҳолда бажаришга эришади. Бу эса унинг музикаий қобилиятлари юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради.

OLTIN PAXTAM—OPPOG'IM

Po'lat Mo'min shi'ri

Nadim Norxo'jayev musiqasi

Quvnoq

The musical score is written on ten staves. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one flat (B-flat), and a 2/4 time signature. The melody is marked with a forte 'f' dynamic. The lyrics are written below the notes. The score includes various musical notations such as slurs, ties, and repeat signs. The lyrics are: Ol- tin pax-tam, be-g'u-bo-rim — op- po- g'im, Hu-zur- jo- nim, mo-miq-qi-nam — yum- sho- g'im, Chi-ro- yi-dan nur ta-ral- gan chi-ro- g'im Cha-man bo'l-di gul- la- ring-dan har yo- g'im.

1. Oltin paxtam beg'uborim — oppog'im,
Huzurjonim, momiqqinam — yumshog'im,
Chiroyidan nur taralgan chirog'im,
Chaman bo'ldi gullaringdan har yog'im.
2. Paykallarda termulasan yo'limga,
Oq qushimsan, qo'ndiraman qo'limga,
Hosilingdan shodlik to'lar ko'nglimga,
Chanoqlarda qaynab turgan bulog'im.

Иккинчи ўқувчининг эса, мусиқий қобилиятлари юқори даражада ривожланмаган, шунинг учун у билан педагогик ишни ташкил этганда, биринчи ўқувчи билан амалга оширилган ишдан кўра кўпроқ аҳамиятни таълимий вазифаларга қаратган ҳолда бажариш зарур.

Мазкур келтириб ўтилган икки ўқувчи билан бўлган таълимий ҳолат уларга ҳар бирининг интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб индивидуал ёндашган ҳолда педагогик фаолиятни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Педагогик ишни бундай ташкил этиш таълим олувчиларга индивидуал ёндашув амалга оширилганлигини кўрсатади ҳамда мазкур иш усули замонавий педагогикада кадрланади.

§ 1.2. Дарсда мусиқий фаолиятларни амалга оширишнинг педагогик имкониятлари

Педагогикада ривожлантирувчи таълим методлари кенг қўлланилади ва улар ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Мусиқа таълими бу йўналишда мураккаб фанлардан бири бўлиб, машғулотларни ташкил этишда ўқувчилардан бир нечта фаолиятларни амалга ошириш талаб қилинади. Шу боис, ривожлантирувчи таълим тамойилларини амалга ошириш учун ҳар бир дарснинг мақсадини аниқ белгилаб олиш, дарс

компонентларини тўғри жойлаштириш, дарс жараёнида айнан ривожлантирувчи хусусиятлар нималар орқали амалга оширилишини кўз олдига келтириб, индивидуал ёндашган ҳолда машғулоти ташкил этиш лозим.

Жумладан, ўрганиладиган кўшиқ, унинг муаллифлари, маълум композитор ижоди ва фаолияти тўғрисида маълумотлар бериш, музика саводхонлиги бўйича материалларни сингдириш, музика тинглаш фаолиятини амалга ошириш, ритмик ҳаракатларни бажариш, чолғу созлари борасида билимларни сингдириш яхлит жараён бўлиб, ушбу жараённинг ҳар бир таркибий қисми бир-бири билан мантиқий боғлиқ тарзда ташкил этилса, ўқув машғулотининг умумий вазифасини аъло даражада амалга ошириш имкониятлари яратилади.

Музика дарсларини сифатли ташкил этиш ўқитувчидан катта иқтидор, педагогик маҳорат ва ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Жумладан, болалар билан музикаий фаолиятларни амалга ошириш биргина куйлаш ёки тинглаш эмас, балки, музика саводхонлиги, чолғу созларини билиш, композиторларнинг биографияси ва энг сара асарлари ҳақида маълумотларга эга бўлиб боришни талаб қилади. Бунинг учун эса, ўқитувчи аввало ўз устида тинимсиз ишлаш орқали ушбу илмий материаллар борасида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, болаларни музикаий фаолиятларга қизиқтира олиши керак. Буларсиз музикаий фаолиятлар самарасиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Айрим устозлар болаларни муסיқий фаолиятларга қизиқтириш учун уларга аввал енгил қабул қилинадиган, сўнгра эса мураккаблашиб борадиган репертуар орқали таъсир қилиш лозимлигини таъкидлашади. Иккинчи йўналиш тарафдорлари, яъни, бошқа ўқитувчилар болаларни мусиқага ошно қилиш, уларга жиддий, мумтоз мусиқа борасида билим ва тасаввурларни сингдириш учун мураккаб, чуқур бадиий мазмунга эга бўлган, идрок этиш учун анча билим ва тажриба талаб қилинадиган репертуарни таклиф қилиш керак, деган фикрни билдирадилар.

Ушбу ҳар иккала йўналиш тарафдорларининг ҳам фикрларида жон бор. Агар биринчи йўналиш фикрини кўриб чиқадиган бўлсак, таълимдаги узвийлик, енгилдан мураккабга тамойили амал қилаётганини кўришимиз мумкин. Иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрига қарайдиган бўлсак, улар енгил асар билан бола вақтини олмасдан, тўғридан-тўғри мураккаброқ асарларни уларга тинглатиб ёки куйлатиб, мусиқий билим ва малакаларини ошириб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашларини сезиш қийин эмас.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари таълимдаги узвийлик тамойилини сал ўзгартириб, нисбатан мураккаб асар билан болаларни ошно қилиш зарурлигини, бу эса уларнинг мусиқий билимлари тез суръат билан ўсиб боришига имкон яратишини таъкидламоқчи бўладилар.

Ҳозирги кунда ривожлантирувчи таълим тамойиллари турли усул ва шаклларни таклиф этади, бу борада турли педагогларнинг ранг - баранг фикрларини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳар бир фан

хусусиятини ўзида акс эттирадиган универсал методикалар ҳар сафар ҳам ўзини оқламайди. Чунки, фанлар материали ва уларни етказиш ҳамда ўзлаштириш турлича тарзда амалга оширилади. Бу эса ҳар бир фан учун хусусий методикалар зарурлигини намоён этади.

Муסיқа фани мактабдаги барча таълим фанлари орасида ўзининг универсаллиги, ўтмиш ва замонавийликни уйғун тарзда акс эттира олиш имконияти, куйлаш ва тинглаш фаолиятини амалга оширишда аудиовизуал идрок юзага чиқиши билан ўзига хосдир.

Ушбу фаннинг ўзига хослигини кўрсатувчи омиллардан яна бири, бу куйлаш фаолияти ўқувчидан муסיқий тинглаш, ритм ва муסיқий хотирани, шунингдек, куйлаш ички кечинмалар, ҳиссий ҳолат орқали бажарилишини талаб этишини тақозо этади. Шу жиҳати орқали муסיқий фаолиятлар барча бошқа фаолиятлардан ўзининг индивидуаллиги, инсон ички оламига қаратилганлиги, унинг кечинмалари ва эмоционаллиги орқали амалга ошиши билан ажралиб туради.

Муסיқа ўқитиш сифатини ошириш бу замонавий муסיқа ўқитувчисига кўп даражада боғлиқ, бундан ташқари, техника воситалари, шинам муסיқа кабинети, аудиовидео аппаратуралар мавжудлиги ҳам дарс сифатига ижобий таъсир қилади. Зеро, фидокор ўқитувчи, педагог болаларни муסיқанинг сеҳрли оламига олиб кира олади, уларни бу сеҳрли оламнинг сир - синоатлари билан таништириш қувватига эгадир.

Шу боисдан ҳам мусиқа педагогикасига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиздаги деярли барча педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларида мусиқа таълим йўналиши мавжуд бўлиб, улар мамлакатимизнинг умумий ўрта таълим бўғини учун олий малакали педагог кадрлар етиштириб беришга қаратилган. Ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологияларидан кенг фойдаланилади.

Агар мусиқа педагогикаси тарихига назар ташласак, унинг ўтган асрнинг 30–йилларигача миллий санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги, аммо 40-йиллардан кейин эса эътиборан бу ҳолга чек қўйилганлигини кузатиш мумкин. 40-йиллар, айниқса, унинг биринчи ярми анъанавий ўзбек мусиқа ижодиётидаги аянчли давр бўлди, десак хато бўлмайди.

Мазкур даврда ўзбек бастакорлари халқ ижодиёти анъаналарига содиқликни намоёиш этишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, ҳукмрон мафкуранинг бунга йўл қўймаслиги, кўзланган маақсадни амалга оширишга имкон бермади. Шунинг учун бу бастакорлар ўз ижодларида замонавий қўшиқлар яратишга, уларда миллийлик услубларини сақлаб қолишга интилган бўлсаларда, бунга эриша олмадилар.

50-йиллар ва ундан кейинги давр ўзбек мусиқа санъатининг ривожини, 1951 йил 8 апрелда республика ҳукумати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистонда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори билан бевосита боғлиқ бўлди. Унда рус мумтоз мусиқасини устувор суратда ривожлантириш

масаласи қўйилдики, бу нарса ўзбек миллий муסיқасида унинг мумтоз турларидан аста-секин воз кечиб замонавий жанрларга алоҳида эътибор беришни таъминлаб берди.

Мамлакатимизда муסיқа ижодиёти ривожидида 70-80 йиллар алоҳида ўрин тутди. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг мустаҳкам тўсиқларига қарамай ўзбек миллий муסיқа санъати, халқ муסיқа ижодиёти жанрлари ривожланишдан тўхтамади. Кўпгина таълим муассасалари, мактабдан ташқари болалар муассасалари, болалар муסיқа ижодиёти марказлари, маданият уйлари ҳамда болалар муסיқа мактабларида қатор бадиий жамоалар, болалар фольклор жамоалари, рақс ансамбллари ва бошқа қатор бадиий муסיқий гуруҳлар ташкил қилинди.

Бу бадиий муסיқий жамоаларда минглаб ўғил-қизлар қўшиқчилик, рақс, чолғу ва бошқа жанрларда машқ қилиб, ўзларининг ижровий маҳоратларини оширдилар ҳамда ўқув юртлари ва омма орасида санъатларини намойиш қилдилар.

Албатта, бу даврда ўзбек болалар муסיқа асарларидан жуда кам ижро этиларди ва ўрганиларди. Репертуар асосан замонавий композиторларнинг асарларидан ташкил топган эди. Бу даврда ўзбек давлат филармониясининг муסיқий жамоалари ҳам ўз ижодий қиёфасига эга бўлишга ҳаракат қилди.

Аҳолини эстетик жиҳатдан тарбиялашда муסיқий таълимга алоҳида эътибор берилди бошланди. Шу мақсадда мактаблар учун муסיқа ўқитувчилари тайёрлашга ва ўрта мактабларда муסיқа дарслари сифатини оширишга кенг ўрин берилди. 1985 йилга

келиб, Ўзбекистонда 278 та болалар мусиқа мактабларида 72 мингга яқин ўқувчи таълим олди. Булардан ташқари, болалар мусиқа мактаблари қошида ташкил этилган 182 та ўқувчилар филармонияси болаларнинг оммавий санъат ва мусиқа ижодиёти бўйича таянч нуқталари бўлиб қолди.

Шу ўринда анъанавий кўшиқчилик санъатининг азалий турларидан бири бўлган халқ оғзаки ижоди: қадимий достонлар, эртаклар, аския ва лапарлар, кўшиқ ва топишмоқлар хусусидаги фирларни билдириш жоиздир. Бу борада Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Фозил шоир, Пўлкан Шомурод ўғли, Бола бахши, Қодир бахши Рахимов, Зоҳир бахши Қўчқоров, Чори бахши Хўжамберди ўғли, Шоберди бахши ва Бобораҳим бахши каби халқ ижодкорларининг фаолияти, айниқса, баракали бўлдики, бу сиймолар анъанавий ўзбек халқ ижодиёти ва кўшиқчилигини ривожлантириш тарихида ёрқин сиймолардир.

Ҳар бир йўл ва усул Ўзбекистонда миллий мусиқа илдизлари билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда, улар айна вақтда ўзларига хос айрим хусусиятлари ва ўзаро фарқланувчи жиҳатларини ҳам сақлаб қолган эди. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёдаги турмуш тарзи, ҳаёт мароми бу ҳудудлардаги фольклор ва халқ ижодиётида ўз изини қолдирган. Бу эса, чорвачиликнинг ривожини, кўчманчи ҳаёт билан боғлиқ эди. Сурхондарёдаги кўшиқчиликда бахшилар (достончилик) ва дўмбирачиларнинг роли катта бўлди. Сурхондарё ва Қашқадарё маданий ҳаётида дўмбира устувор тавсифини сақлаб қолгани ҳолда айна пайтда бу ерда чанқовуз, чўпон найи ва

доиралар ҳам кенг қўлланилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу сиймолар ўз ижодлари орқали мусиқа педагогикаси ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшишга эришдилар. Миллий санъатимиздаги ушбу жиҳатлар тўғрисида ўқувчиларга билим беришда уларга индивидуал ёндашув муҳим ўрин тутади.

Умуман мусиқа педагогикаси ўзига хос бадиий хусусиятларни намоён этади ва ўқувчилар билан мусиқа машғулотларини ташкил этишда уларга индивидуал ёндашув таълим сифатини янада яхшилашга олиб келади.

2 БОБ. МУСИҚА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

§ 2.1. Бошланғич ва ўрта синфларда мусиқа машғулотларини ташқил этиш

Умумтаълим мактаби мусиқа таълими кўп қиррали жараён бўлиб ўқувчиларда ҳам интеллектуал, ҳам эмоционал тафаккурни, ижро имкониятларини, бадиий образларни тасаввур этиш қобилиятини ривожлантиради.

Бошланғич синфлар, яъни кичик мактаб ёшида болалар мусиқа бўйича дастлабки билим ва маълумотларга эга бўладилар, мусиқанинг сеҳрли олами билан танишадилар.

Биринчи синфдан бошлаб мусиқа оламига кирар экан, болалар мусиқа оҳангларининг бошқа табиий товушлардан фарқини, яъни уларнинг маълум баландликка эга эканлигини билиб оладилар. Шунингдек, турли чолғу асбоблари, бастакорлар, товуш баландлиги, унинг кучи ва туси хусусида маълумотларга эга бўладилар.

Қўшиқлар куйлаш, мусиқа асарлари тинглаш, тингланган асарлар ҳақида гапириб бериш, унинг мазмунини ифодалаб бериш каби вазифаларни бажаришга ўрганиб борадилар. Мусиқа асарларини таҳлилий тинглаш, яъни, уларнинг характери, динамикаси, тембри, ижро суръати ва бошқа хусусиятлари ҳақида маълумотларни билиб олиш, уларни тасаввур қилиш учун ўқувчида кучли мусиқий қобилиятлар мажмуаси бўлиши талаб қилинади.

Муסיқий қобилиятлар туғма, генетик хусусиятлар сирасига киради ва уни такрорлаш, меҳнат қилиш орқали ривожлантириш анча мушкул.

Муסיқа дарсларида муסיқий қобилиятлари турли даражада ривожланган ўқувчилар иштирок этади. Шу жиҳатдан, муסיқий таълим машғулотларини ташкил этишда кўпгина мураккабликлар юзага чиқади. Жумладан, муסיқа материални ўқувчиларга етказишда улар ушбу материални бир текис ўзлаштирмайди, баъзи ўқувчилар биринчи ижро этилганидаёқ ўрганиб олса, бошқаларининг ушбу муסיқа материални ўрганиши учун асар парчасини бир неча марта қайтаришга тўғри келади.

Бу жиҳат болалардаги муסיқий қобилиятлар даражасининг турлича эканлигини кўрсатади. Шу боис, дарсда ўқувчилар билан муסיқий фаолиятларни амалга оширишда, уларга индивидуал ёндашув ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Масалан, биринчи синфда М.Зайниддинова шеъри, Ж.Нажмиддинов муסיқаси билан “Пианино” кўшиғини ўқувчилар билан ўрганишда ушбу кўшиқдаги юқорилаб борувчи товушлар ва ёнма - ён жойлашган секундаларни интонация қилиш вазифаси туради. Ушбу кўшиқ куйини барча болалар бир хилда сифатли ижро эта олмайди. Сабаби, кўшиқ борасида билдирилган маълумотларнинг ўқувчиларга бориб етганлиги даражаси турлича эканлигидир. Бу, тўғридан - тўғри ўқувчилардаги муסיқий қобилиятлар ҳажми билан боғлиқдир.

Ижро жараёнида болалар кўшиқнинг биринчи жумласини бирмунча равон ижро этиши мумкин.

До, ре, ми, фа, соль, ля, си,
Мактаб пианиноси.

Бироқ, иккинчи жумласига келганда тоналликнинг пастки медианта товуши орқали бошланадиган:

Клавиши оқ, қора,
Ҳавасинг келар қара.,

жумлаларини ижро этиш анча қийин кечади. Чунки, бунда тоналликнинг асосий босқичидан ижро давом этмайди.

Ушбу асарни ижро этишга ўрганишдан олдин нисбатан қийин бўлган қисмларини аниқлаб, белгилаб олиш тавсия этилади. Шундай қилинганда, кўшиқни ўрганиш бирмунча енгил амалга оширилиши мумкин. Бунда болалар билан амалга ошириладиган фаолиятда индивидуал ёндашув орқали анча юқори ижро сифатига бўлиш мумкин.

PIANINO.

M. Zaynitdinova she'ri.

J. Najmiddinov musiqasi.

Do, re, mi, fa, sol, lya, si,
Maktab pianinosi.
Klavishi oq, qora,
Havasing kelar, qara.

Bir, ikki, uch, o'ng oyoq,
Ohangga soling quloq.
Yangroq kuyga jo'r bo'lib,
Qo'shiq aytamiz quvnoq.



Tez

Do, re, mi, fa, sol, lya, si Mak-tab pi-a-
-ni- no-si Kla- vi- shi oq, qo- ra
Ha-va- sing ke- lar qa-ra

The musical notation consists of three staves of music in a 3/4 time signature. The first staff starts with a treble clef and a key signature of one flat (B-flat). The notes are: D4, E4, F4, G4, A4, Bb4, C5. The second staff continues with: D5, C5, Bb4, A4, G4, F4, E4. The third staff continues with: D4, C4, Bb3, A3, G3, F3, E3. The lyrics are written below the notes, with hyphens indicating syllables that span across notes.

QO'SHIQ — SO'Z VA OHANGLARDAN
IBORAT.
SO'Z HARFLAR BILAN, OHANG ESA
NOTALAR BILAN YOZILADI.

Шунингдек, иккинчи синфнинг иккинчи чорагида А.Раҳмат шеъри, Х.Мухамедова муסיқаси билан “Какку” қўшиғи ўрганиш учун келтирилган.

KAKKU

A. Rahmat she'ri
O'rtacha tez
Xor

H. Muhamedova musiqasi

Kuz ku-ni biz- lar — da-la-ga chiq-
dik. Ba-land da-raxt- da
Yakkaxon
bir qush-ni ko'r- dik. U yay-rab say-
Birinchi to'da Ikkinchi to'da
rar: „Kak-ku, kak-ku!“
Xor.
Bu qush-ning no-mi shu-ning-chun kak-ku.

Kuz kuni bizlar
Dalaga chiqdik.
Baland daraxtda
Bir qushni ko'rdik.

U yayrab sayrar:
— "Kakku-kakku"
Bu qushning nomi
Shuning-chun kakku.



Ушбу қўшиқни ўрганишда асосан унинг маълум интерваллар орқали, шунингдек, маълум зарблар орқали кескин куйланишини назарда тутиш зарур бўлади.

Бундан ташқари, қўшиқда кўпгина пауза учрайдиган тактлар мавжуд. Буларни ижро этиш ўқувчидан маълум муסיқий қобилиятларни талаб қилади. Уни ижро этишни ўрганишда индивидуал ёндашиб болаларнинг муסיқий имкониятлари, муסיқий қобилиятлари даражасини ҳисобга олиш фойдадан холи эмас.

Учинчи синфда Ғ.Комилов шеъри, Т.Азимов муסיқаси билан “Қўшиғимиз авжида” қўшиғи ўрганиш учун тавсия қилинган. Мазкур қўшиқни ўрганишни бошлашдан олдин унинг тонал тузилиши, ижро суръати, легато билан ижро этиладиган қисмларини аниқ таҳлилий ўрганиб олиш зарур.

Унда икки овозда куйланадиган тактлар бор, булар қайси интервалларни ҳосил қилишини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Қўшиқнинг сўзларига эътибор қаратганимизда, унинг қувноқ кайфият ва характерда, жонли ва ёрқин ижро этилиши зарурлигини билиб олиш мумкин.

Шунингдек, қўшиқда секундадан бошлаб, квинтагача бўлган интерваллар учрашини кузатиш мумкин. Ушбу интервалларни куйлашни олдин машқ қилиб, улар маромига етганидан сўнг ижрони ўрганишни бошлаш мумкин.

Асарнинг тоналлиги ре минор бўлиб, бу тоналлик ўз ифодавий имкониятлари билан лирик, бироқ, ўйноқи ва жонли характерни беришини назарда тутиш зарур.

Болалар билан ушбу қўшиқ ижросини бошлашдан олдин, ифодали, мазмунли, ёрқин ва жозибали тарзда ўқитувчи томонидан ижро этилиши, педагогик ишнинг асосий қисмини ташкил этади.

Шундан сўнг болалар билан кўшиқни ўрганишга жамоавий ҳамда индивидуал тарзда киришиш мумкин.

Бунда болаларнинг овози, куйлаш имкониятлари, муסיқий қобилият ва қизиқишлари тўлиқ инобатга олиниши керак, шунда кўшиқни ўрганиш талаб даражасида бажарилади ва ўқувчилар кўшиқ ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўладилар.

QO'SHIG'IMIZ AVJIDA

G'iyos Komilov she'ri

Tursun Azimov musiqasi

O'rtacha tez

Qo'-shi-g'i-miz av-ji-da, Lay-lum,
 la-la-lum. O'r-ta-ga tush Mav-ju-da,
 Lay-lum, la-la-lum. Qa-ni, qa-ni
 ke-ling-lar, Lay-lum, la-la-lum.
 Biz-lar-ga jo'r bo'-ling-lar.
 Lay-lum, la-la-lum.

Qo'shig'imiz avjida,
 Laylum, lalalum.
 O'rtaga tush Mavjuda,
 Laylum, lalalum.

Qani, qani kelinglar,
 Laylum, lalalum.
 Bizlarga jo'r bo'linglar,
 Laylum, lalalum.

Тўртинчи синф дарслигининг учинчи чорагида Х.Қаюмов шеъри, Е.Шварц мусиқаси билан “Гул тутаман, онажон” кўшиғи ўрганиш учун тавсия қилинган.



GUL TUTAMAN, ONAJON

X. Qayumov she'ri

E. Shvars musiqasi

Qut - lug' bo'l - sin bay - ra - min - giz

o - na - jon, o - na - jon! Siz - ga shod -

lik, baxt ti - lay - man, bir ja - hon - bir ja -

hon! Siz - ga shod - lik, baxt ti - lay -

man bir ja - hon - bir ja - hon hon!

Qutlug' bo'lsin bayramingiz,
Onajon-onajon!
Sizga shodlik, baxt tilayman,
Bir jahon-bir jahon!

Quyosh bo'lib yo'lingizga,
Nur to'shay-nur to'shay.
Bahor bo'lib qo'lingizga
Gul tutay-gul tutay.

Qutlug' bo'lsin bayramingiz,
Onajon-onajon!
Sizga shodlik, baxt tilayman,
Bir jahon-bir jahon!

Ушбу кўшиқ ўзининг ижро характери билан олдинги келтирилган кўшиқлардан тубдан фарқ қилади. У бирмунча ўйчан, лирик, ўртача суръатда ижро этилади. Кўшиқ она, баҳор, она табиат ҳақидаги кўшиқ бўлиб, унда оптимистик кайфият, кўтаринки рух ҳукмрондир.

Кўшиқни ўрганишда юқорида келтирилган сифатларга эътиборни қаратиш, ижрода оҳиста, эҳтиёт бўлиб бошлаш, дастлабки товушларнинг нисбатан мулойим, ёқимли чиқишига эришишга ҳаракат қилиш зарур.

Шундай қилиб, бошланғич синфларда мусиқа таълимини амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг мусиқий дунёқараши ўстирилади, мусиқа материали, чолғу асбоблари, нота материаллари, композиторлар ва уларнинг айрим асарлари борасида батафсил илмий маълумотларга эга бўладилар.

Ўрта синфлар болаларининг дунёқараши, мусиқага муносабати ва фикрлаши кичик мактаб ёшдаги болаларнинг индивидуал сифатларидан фарқ қилади. Энди улар мусиқа ҳақида анча кенг маълумотларга, билим ва малакага эгадирлар.

Шунинг учун ўрта синфларда болалар билан мусиқа машғулотларини ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билимлари ҳажмини назарда тутиш, шунингдек, уларнинг кўшиқ куйлаш ва тинглаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндашиб, бадиий педагогик фаолиятни ташкил этиш талаб қилинади.

Бешинчи синф - бошланғич синф давридан чиқиш даври бўлиб, болаларнинг мусиқий тафаккури ўсади, қобилиятлари анча ривожланади. Бешинчи синф дарслигида келтирилган кўшиқлар ўзининг ижровий имкониятлари ва бадиий таъсир хусусиятлари билан анча мураккаб, ифодали ва ривожлантирувчи характерга эгадир.

Жумладан, Н.Нарзуллаев шеъри, А.Мансуров мусиқаси билан “Олтин куз кўшиғи”ни ўрганиш учун аввало унинг тонал хусусияти, вокал ижрода нафас олиш жиҳатлари борасида маълумотларга эга бўлиш керак. Кўшиқ 4/4 ўлчовда, до мажорда, ўртача тезликда ижро этилиши зарур.

Кўшиқнинг биринчи тактидаги дастлабки ноталар соф квинта интервалини ҳосил қилган. Ушбу интервални куйлаш орқали кўшиқ ижросини ўрганишни бошлаш мумкин. Кўшиқда шунингдек, нуқтали ноталар, турли ўлчамдаги паузалар, лига ва легато, шунингдек, такрорлаш белгилари учрайди. Кўшиқни оҳиста, майин, қувноқ кайфият билан куйлашга бошлаш ва ўрганиш мумкин.

OLTIN KUZ QO'SHIG'I

Normurod Narzullayev she'ri

Avaz Mansurov musiqasi

Quvnoq



Ko'r-kam o'l-kam sha-mo-li, shod-lik-dan quv-nar yu-



rak. E-sar me-zon sha-mo-li.



kuz-dan be-rib u da-rak. Kuz-dan be-rib u da-rak.



Til-lo rang-li yap-roq-lar



yer-da qa-lin to'-ki-lar. Qay-nar ti-niq

Naqarot:



bu-loq-lar, Qalb-da or-zum u-sha-lar. Ol-tin ku-

zim, ol-tin kuz, xush ke-lib-san o'l-

kam-ga. Baxt qu-yo-shi cha-ra-q-lab,

of-tob teg-di yel-kam-ga, of-tob teg-di

yel-kam-ga. Xush ke-lib-san

ol-tin kuz...

Ko'rkam o'lkam jamoli,
Shodlikdan quv nar yurak.
Esar mezon shamoli,
Kuzdan berib u darak.

Bog'da ter to'kar bog'bon,
Hosilini teradi.
Dalada bobodehqon,
G'allasini o'radi.

Tillo rangli yaproqlar
Yerga qalin to'shalar.
Qaynar tiniq buloqlar,
Qalbdan orzum ushalar.

To'kin bo'lsa dasturxon,
Kuy-qo'shiq ham yarashar.
Bulbullar sho'x g'azalxon,
Tinch bo'stonda sayrashar.

Naqarot:

Oltin kuzim, oltin kuz,
Xush kelibsang o'lkamga.
Baxt quyoshi charaqlab,
Oftob tegdi yelkamga.

Naqarot:

Oltin kuzim, oltin kuz,
Xush kelibsang o'lkamga.
Baxt quyoshi charaqlab,
Oftob tegdi yelkamga.

Еттинчи синфда куйлаш учун тақдим этилган қўшиқлардан бири “Ўзбекистон - онажон”дир. Бу қўшиқ муаллифлари Қамбар Ота ва М.Отажоновлардир. Қўшиқ тез суръатда, 6/8 ўлчовда, ўртача тезликда ижро этилади.

O'ZBEKISTON — ONAJON


Qambar Ota she'ri

Muhammad Otajonov musiqasi

Tez



Yer, os - mon-ning o - ra - si O-lam-ning eng



sa - ra - si av-lod me-ros Va-ta - nim Qad-ri ba-land


Naqarot:




bo's-to - nim O - na - jon O'z - be - kis - ton




jo - na - jon O'z-be - kis - ton




O - na - jon O'z-be - kis - ton



jo - na - jon O'z - be - kis - ton



Sa-xo - vat - li fi - do - kor dun - yo - da eng



bax - ti - yor So - diq - lik - da bo - lang - ga



ta - nil - gan - san o - lam - ga



O - na - jon O'z - be - kis - ton



o - na - jon O'z - be - kis - ton

Yer osmonning orasi,
Olamning eng sarasi,
Avlod meros Vatanim –
Qadri baland bo'stonim.

Oy husnda yetolmas,
Quyosh shaydo, ketolmas,
Ko'k toqingda yulduzlar,
Baxt taratar kunduzlar.

Saxovatli, fidokor,
Dunyoda eng baxtiyor.
Sodiqlikda bolangga,
Tanilgansan olamga.

Bir yoningda Jayhundir,
Bir yoningda Sayhundir.
Mehringdir nur tarami,
Bag'ring dillar oromi.

Himmati hayotga teng,
Insonparvar, bag'ri keng,
Onajon O'zbekiston,
Jonajon O'zbekiston.

Қўшиқ нақаротининг иккинчи қисми икки овозда, катта ва кичик терция интервалларида куйланади.

Умуман, мактаб мусиқа таълим кўп қиррали жараён сифатида ҳам ижро, ҳам тинглаш, ҳам ижодкорлар борасидаги биографик маълумотларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ўқувчилар билан мусиқий таълим машғулотларини ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларга индивидуал ёндашиб амалга ошириш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

§ 2.2. Дарсда индивидуал ёндашувни амалга ошириш усуллари

Ўқувчилар билан мусиқий фаолиятларни амалга ошириш учун уларнинг индивидуал имкониятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, болаларнинг мусиқий қобилиятлари, қизиқишлари, мусиқий эҳтиёжлари даражаси борасида маълумотларга эга бўлиш – улар билан ташкил этиладиган мусиқий фаолиятлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Юқорида келтирилган индивидуал хусусиятларни аниқлагач, биз ўқувчилар билан мусиқий фаолиятларни амалга ошириш жараёнида ҳар бир ўқувчининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда у билан машғулотни олиб борамиз ва бу умумий таълимий ва тарбиявий ишимизнинг сифатини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Жумладан, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг мусиқий имкониятлари анча тор бўлиб, улар билан ишлаганда, мусиқа асари суръати, кайфияти, динамикаси кабилар доирасида маълумотлар алмашиш мумкин. Бунда ўқувчилар ижро этилган ёки тингланган асарнинг юқорида келтирилган ифода воситалари борасида ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳамма болалар ҳам ушбу саволларга бир хилда, батафсил жавоб бериш имкониятига эга эмас. Уларнинг имкониятлари турлича бўлишига қуйидаги сабаблар бор:

1. Ўқувчининг мусиқага қизиқиши паст даражада бўлиши мумкин;

2. Ўқувчининг оиласида мусиқага устувор аҳамият қаратилмаслиги мумкин;


3. Ўқувчида мусиқий қобилиятлар етарли даражада мавжуд бўлмаслиги мумкин;


4. Ўқувчининг ўртоқлари ва у билан муомалада бўладиган кишилар орасида мусиқа унча қадрланмаслиги мумкин.

Ушбу хусусиятлар боланинг мусиқий имкониятларига маълум даражада таъсир этиши мумкин, шунинг учун юқоридаги омиллар борасида маълумотларга эга бўлсак, биз ҳар бир ўқувчи билан ташкил этиладиган мусиқий ишнинг режа ва лойиҳасини тузиб олишимиз, индивидуал ёндашган ҳолда педагогик-мусиқий ишни ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, тўртинчи синфнинг биринчи чорагида чолғу асбобларидан дутор, дўмбира, қашқар рубоби, уд, афғон рубоби

каби созлар борасида маълумот берганда, ушбу асбобларни ёки уларнинг суратларини кўрсатиш, бу асбобларда мусиқа ижро этиш ёки ёзувини тинглаб кўрсатиш катта ижобий аҳамиятга эга.






Шунингдек, таниқли созандалар борасида маълумотлар берганда, машҳур афғон рубоби ижрочиси Ғуломқодир Эргашев борасида фикрларни билдириш мақсадга мувофиқ.




Музиқа тинглаш учун тақдим этилган намуналардан эса, ўзбек халқ куйларидан “Шодиёна”ни тинглаш учун тавсия этиш мумкин.

“Шодиёна” куйи



Ушбу халқ куйи $\frac{3}{4}$ чоракда, ўртача суръатда, ўн олтиталик, форшлаглар, ярим, чорак ва нимчорак ноталар орқали ижро этилади. Куйни ўқувчиларга етказишда уларнинг мусиқани идрок этиш, ўзида сингдириш имкониятлари турлича эканлигини ёддан чиқармаслик зарур. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг мазкур асар борасида ўз фикри бўлишига эришиш мақсадида уларга индивидуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб қилинади.

Torli cholg'ularni maxsus kamon vositasida ham chalish mumkin.
o, g'ijjak, qo'biz — ana shunday torli-kamonli cholg'ulardir.



Chang cholg'usi ikkita cho'p vositasida urib va chertib (tirnab)
alinadi.



Умуман, мактаб музика таълимини амалга оширишнинг ўзига
хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар бир нечта фаолиятларни

амалга ошириш, яъни, бадий ижро, муסיқа тинглаб таҳлил қилиш, композиторлар ҳаёти ва ижоди, муסיқа саводхонлиги бўйича маълумотларга эга бўлиш, болалар чолғу асбобларида ижро этиш, шунингдек, муסיқий ритмик ҳаракатларни амалга ошириш орқали бажарилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юқорида келтирилган барча муסיқий фаолиятларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш учун уларга индивидуал ёндашган ҳолда педагогик ишни ташкил қилиш талаб этилади. Айниқса, муסיқий имкониятлари турли даражада ифодаланган ўқувчилар билан амалга ошириладиган муסיқий фаолиятларда индивидуал ёндашув ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Бу эса, ўқитувчининг касбий ва педагогик маҳорати юқори даражада бўлишини тақозо этади. Шундагина биз муסיқий билим ва дунёқараши шаклланган, замонавий тингловчи (ўқувчи)ни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз.

ХУЛОСА

Муסיқа таълими ўрта умумтаълим мактабида ўқувчиларни бадий-эстетик руҳда тарбиялаш, улар қалбида Ватан, эл-юрт туйғуларини сингдиришга қаратилган. Айниқса, дарс материалини ўқувчиларга сингдиришда уларга индивидуал ёндашув таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Шу муносабат билан, ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлларида бири сифатида ўқувчиларга индивидуал ёндашувни амалга ошириш муҳим педагогик масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқди.

Битирув малакавий ишимизни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув, уларнинг бадий муסיқий имкониятлари, қобилият ва қизиқишларини ўрганиб қуйидаги илмий хулосаларга келдик:

1. Бугунги кун умумий муסיқа таълимида ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг реал муסיқий имкониятларини тўлиқ билиш талаб этилади.
2. Вокал овози, ижро маҳорати нисбатан паст даражада бўлган ўқувчилар билан алоҳида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ.
3. Ўқувчиларнинг бадий - муסיқий имкониятлари даражасини ўрганиш ва шу асосда ишни ташкил қилиш зарур.
4. Ҳар бир машғулотда қулай руҳий-ҳиссий вазият яратиш лозим.
5. Муסיқий қобилияти нисбатан паст ифодаланган ўқувчилар билан дарсда алоҳида ишлаш мақсадга мувофиқ.

6. Турли мураккаблик даражасида бўлган кўшиқларни куйлашни ўрганишда болаларнинг овоз имкониятларни назарда тутган ҳолда, улар вокал овозига шикаст етказмасдан, индивидуал ёндашиб, ижрони амалга оширишдан иборат.

ТАВСИЯЛАР

Ушбу битирув малакавий ишни бажариш жараёнида ҳамда педагогик амалиёт жараёнида эришган тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда муסיқий таълимда ўқувчиларга индивидуал ёндашувни самарали амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1) Ўқувчиларни куйлаш фаолиятига қизиқтириш мақсадида улар билан доимо турли мураккабликдаги муסיқа асарларини ижро этиб, самарали бадиий фаолиятни ташкил этиш;

2) Муסיқий қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг тингладиган асарларини муҳокама қилиш ва камчиликларини ўзларига тушунтириш;

3) Муסיқий қобилиятлари турлича даражада бўлганлиги учун муסיқий фаолиятларни амалга оширишда уларга индивидуал ёндашувни қўллаш, бунда олдин юқори қобилиятли болалар билан асарни ижро этиш, унинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, сўнгра,

қобилияти нисбатан паст ифодаланган болалар билан ушбу асарни парчалар тарзида куйлаб, ўрганиш.

Юқорида келтирилган педагогик иш усуллари турли даражада ифодаланган мусиқий қобилиятли болалар билан индивидуал ёндашиб ишлаганда, деярли барчасининг кўшиқ куйлашини фаоллаштиришга имкон яратади. Бу эса, ўқувчиларни мустақил фикрли, кенг дунёқарашли, бадий-эстетик жиҳатдан шаклланган баркамол ёшлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 141 б.
3. Акбаров И.А. Мусиқа луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1997. – 384 б.
4. Анисимов В.П. К вопросу об исследовании путей формирования научного мировоззрения учащихся средствами искусства // Вопросы профессиональной подготовки студентов музыкально-педагогического факультета. Ч.2. - Петропавловск, 1992.
5. Вахромеев В.А. Музиканинг элементар назарияси. - Т.: Ўқитувчи, 1980. - 224 б.
6. Дмитриева Л.Г. Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе. Учебник. М.: Просвещение, 1989. - 207с.

7. Иванов С.П. Художественная деятельность как условие индивидуализации и субъективизации учащихся (теоретические подходы и обобщения по материалам наблюдений городских школьников) // Мир психологии и психология в мире. М., 1995. №4 (5).
8. Музыкальное образование в школе: Под ред. Л.В.Школяр. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 232 с.
9. Ибрагимов О.А. Фергано-Ташкентские макамы. – Т.: «MEDIA LAND». 2006. -176 с.
10. Кабалевский Д.Б. Про трёх китов и про многое другое. Книга о музыке. - М.: Детская литература, 1970. - 224 с.
11. Матюшкин А.М. Загадки одаренности. Проблемы практической диагностики. М., 1993.
12. Матёкубов О. Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш. Ўқув кўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1983. - 64 б.
13. 14. Михеева Л.В. Музыкальный словарь в рассказах. - М.: Музыка. 1984. - 168 с.
14. 15. Музыкальный энциклопедический словарь (Гл. ред. Г.В.Келдыш) - М.: Советская энциклопедия, 1991. - 672 с.
15. 16. Романова С. Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашда миллий музикий анъаналарнинг аҳамияти / Педагогик маҳорат журнали №2/2003. 83-85 бетлар.
16. 17. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. - Т.: Ўздавбададабнашр. 1963. - 304 б.
17. 18. Способин И.В. Элементарная теория музыки. Учебник для муз. училищ. 7-е изд., - М.: Музыка, 1979. - 199 с.
18. 19. Теплов Б.М. Психология и психофизиология индивидуальных различий. М., 1998.
19. Энциклопедический музыкальный словарь. Составители Б.С.Штейнпресс и И.М.Ямпольский. - М.: Изд-во БСЭ. 1959. - 328 с.